Асосий қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ




**63-модда. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.**

**Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.**

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этилаётган ҳозирги пайтда оиланинг тутган ўрни жуда муҳим. Бу барча фуқароларимиздан ўз оиласини мустаҳкамлаш, унинг ҳар бир аъзосини ватанпарвар, давлатимиз учун сидқидилдан хизмат этувчи, содиқ фарзанд қилиб тарбиялашни талаб қилади. Муҳтарам Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда, «Ўзбек оиласи мустабидлик замонида ҳам ўзининг тарихий шаклланган қиёфасини йўқотмади». Республикамизда оиланинг жамиятда тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш, оиланинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатлари ва фаровонлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оилага берилган таъриф ўзбек оиласининг кўплаб хусусиятларини қамраб олиб, унинг баркамоллигини кўрсатиб, конституциявий меъёрини мустаҳкамлайди. Шу муносабат билан ўзбек оиласининг қуйидаги бир қатор ўзига хос хусусиятларини таъкидлаш ўринли:

а) ўзбек оиласининг узоқ тарихий ўзгаришлар натижасида шаклланиб келганлиги;

б) ўзбек оиласининг урф-одатлари, маросим ва анъаналари ислом қоидаларига ва ахлоқ нормаларига асосланганлиги;

в) ўзбек оиласи қадимий тарихий бой анъаналарга эга эканлиги ҳамда буюк инсонларни етиштирганлиги;

г) оиланинг кўп болали бўлишга асосланганлиги;

д) ўзбек оиласининг меҳмондўстлиги ва бағри кенглиги;

е) ўзбек оиласининг замонавий маънавият ва маданиятга эга бўлиши ана шулар жумласидандир.

Оила жамият томонидан муҳофаза қилинади дейилганда, биз республикада мавжуд бўлган жамиятлар ва жамғармалар томонидан оилага ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам берилишини тушунамиз. Бу қоида мустақил республиканинг Конституциясида белгиланган янги қоидадир. «Болалар», «Маҳалла», «Наврўз», «Экосан», «Орол», Шароф Рашидов номидаги жамғармалар, «Оила», Қизил Ярим ой жамияти ва бошқалар ана шундай жамғарма ва жамиятлар жумласидандир.

Кейинги вақтларда Республикамиз Президенти оилага алоқадор бир қатор фармонлар чиқарди. Чунончи, 1994 йил 16 июль Фармонига кўра бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитда болали оилаларга давлат йўли билан ёрдам берилишини кучайтириш, ёш авлодни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда ижтимоий кафолотларни таъминлаш ва болаларни ҳар томонлама камол топтириш мақсадида 1994 йил 1 сентябрдан бошлаб болали оналарга давлат ижтимоий ёрдамининг амалдаги тизими ўрнига нафақа турларидан иборат ягона тизим жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашнинг бутунлай янги тури, кам таъминланган оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам тури жорий этилди.

Оила тор маънода эр-хотин ва фарзандлар иштирокида, кенг маънода қон-қариндошлар иштирокида шаклланган бўлади.

Никоҳ оила вужудга келишининг бирдан-бир асоси бўлиб, у шахсларнинг никоҳда бўлган даврида ва эр-хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ўзаро келишув ҳисобланади.

Никоҳ эркак ва аёл ўртасидаги ихтиёрий розилик ва тенгликка асосланиб тузилган эркин иттифоқ бўлиб, унинг мақсади оила қуриш, болаларни умуминсоний қадриятлар ва анъаналар асосида тарбиялашдан иборат.

Никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан бири — никоҳланувчиларнинг ўзаро розилигидир. Уни ўзаро розилик асосида тузиш шарти оиланинг эркин ва тенглик асосида вужудга келишини, барқарор ва мустаҳкам бўлишини ҳам таъминлайди.

Никоҳ эркин тузилиши учун берилган розилик ҳақиқий бўлиши, у қўрқитиш, зўрлик, алдаш ёки никоҳланувчиларнинг бири ёхуд ҳар иккисига руҳан таъсир қилмасдан олинган бўлиши шарт. Никоҳни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси «Оила Кодекси»нинг II-бўлим, 13-17-моддаларида аниқ кўрсатилган. Шунингдек, никоҳ тузиш ва фуқаролик ҳолатлари билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган ва «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари»да батафсил кўрсатилган.

Никоҳни қайд этишда гувоҳларнинг сони икки кишидан кам бўлмаслиги керак.

У фақат никоҳланувчиларнинг иштирокида қайд этилади. Никоҳи қайд этилган шахсларнинг муҳр босилиб, вақт ва жой, никоҳланган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек, туғилган йили ёзиб қўйилади.

Никоҳ тузиш бўйича ўрнатилган тартиб ва қоидалар бузилганда, суднинг ҳал қилув қарори билан бундай никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади.

Хуллас, республикамизда оила билан боғлиқ масалалар доимо ҳукуматимиз эътиборида бўлиб, «Соғлом авлод», «Она ва бола» дастурларида ҳам ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Она ва бола» давлат дастурининг қабул қилиниши ҳам Конституциявий талабни янада мустаҳкамлайди.

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари,***
***3-даражали адлия маслаҳатчиси.***

Тараддуд

# «КЕЙС»ЛАР САФ ТОРТДИ

**Об-ҳаво — табиий жараён, уни буйруқ билан ўзгартириб, бўйсундириб бўлмайди. Пахтакорлар меҳнатининг пировард натижаси тақдирини ҳал қиладиган кўклам ва куз фасллари ҳар йили ҳар хил келади. Бу йилги кўкламнинг ортиқча инжиқликлари вилоят бўйича ғўза ривожи аввалги йиллардагига нисбатан 10-12 кун орқада қолишига сабаб бўлди. Лекин бу баҳона бўлмаслиги керак.**



Излаган имкон топади деганларидек, юзлаб хўжаликлар вазиятга қараб, тадбиркорлик билан иш юритиб, ҳосилнинг пишиб етилишидаги қолоқликни бартараф этишнинг уддасидан чиқмоқда. Шу жумладан, Қуйичирчиқ тумани пахтакорлари ҳам бутун ёз бўйи парваришга зўр бериб, ғўзани ўғитга, сувга қондириш ҳаракатида бўлдилар. Айниқса, культивациянинг сифатига эътиборни кучайтириб, чеканкани вақтида ўтказиб, ҳосилнинг бўлиқ бўлиб, эртароқ етилиши учун шароит яратдилар.

— Ўтган йилги ютуқдан руҳланган туманимиз пахтакорлари ҳақиқатан ҳам ёз бўйи тиним билмай, тадбиркорлик билан меҳнат қилдилар, — дейди туман машина-трактор парки бошлиғининг муовини Сайдулла Тўқсеитов. — Етилаётган ҳосилнинг чўғидан кўнгил тўқ. Буёғи кузнинг қандай келишига боғлиқ. Демак, ҳосилни тезроқ саранжомлаб олиш учун йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаб, вақтдан ютиш чораларини кўриш керак. Бу борада биз ҳам ўзимизни масъул деб билиб, барча терим агрегатларини барвақт ва пухта созлаб қўйдик.

МТПда бу йил пахта териш машиналарини таъмирлаш ишлари тиғиз режа асосида ташкил этилди. Керакли



эҳтиёт қисмларни келтириш, ходимларнинг кун бўйи унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш учун 7 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Таъмирлаш ишлари билан банд бўлганлар устахонанинг ўзида иссиқ овқат билан таъминланди. Натижада мавжуд 32 та «Кейс» комбайнларининг деярли ҳаммасини сифатли таъмирдан чиқариб, тайёрлик чизиғига қўйишга улгурилди.

***СУРАТЛАРДА:** МТП бошлиғининг муовини Сайдулла Тўқсеитов «Кейс сервис» устахонаси механиги Чори Жуманов билан таъмирдан чиққан агрегатларни қайта кўздан кечирмоқда; бу йил камида 200 гектар майдондаги ҳосилни териб беришга аҳд қилган «Кейс» оператори Абдуҳаким Абдуғаниев (юқорида); тайёрлик чизиғига қўйилган «Кейс»лар.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**



# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар • одамлар • воқеалар

## ФАҚАТ ЕВРОПАДА ЭМАС

Кучли ёғингарчилик фақат Европа қитъаси билан чекланиб қолаётгани йўқ. Шарқий ва Жанубий Осиё минтақасида ҳам бу йил об-ҳаво серташвиш келди. Биргина Ҳиндистоннинг Биҳар штатида тошқин оқибатида уч юздан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди. Расмий манбаларда айтилишича, тўққиз мингга яқин қишлоқни ўз домига тортган табиий офатдан жами ўн беш миллион одам жабр кўрган. Шу сабабли қутқарув ишларига армия қисмлари жалб қилинган. Улар узоқ қишлоқларга дори-дармон ва озиқ-овқат етказиб бермоқда.

Бетўхтов жала оқибатида Хитойнинг шарқий ва жануби-ғарбий вилоятларида ҳам тошқинлар ва кўчкилар содир бўлмоқда. Бу ерда ҳозиргача камида 136 киши офат қурбонига айланди.

## ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВ ҚАДРИ

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, одамзот озиқ-овқатсиз ярим ойгача яшай олади. Бироқ сувсиз тирик қолиш даргумон.

Яқинда АҚШдаги Атроф-муҳит, тараққиёт ва хавфсизлик муаммолари институти айни шу мавзуда йиллик ҳисобот эълон қилди. Унда айтилишича, янги мингйилликда сув танқислиги оммавий қирғин қуроли ёки ОИТС касаллиги сингари фожиавий оқибатларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ичимлик сувининг танқислиги ва вақтида етказиб берилмаслиги башарият учун жуда қимматга тушади. 2020 йилга бориб бу муаммо туфайли 76 миллионга яқин одам ҳаётдан кўз юмиши эҳтимол тутилмоқда.

Сув омборлари ва ичимлик суви захираларини асрашдан ўзга чора йўқ, демоқда мутахассислар.

Мамлакатимизда ҳам бу муаммога ўз вақтида эътибор берилиб, ичимлик суви ва суғорма ерларга ишлатиладиган «оби ҳаёт»дан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида аҳамият билан қаралмоқда. Хонадонлар ва ташкилотларга сув ўлчагич ускуналарнинг ўрнатила бошланганлиги ҳамда суғориш иншоотларининг сув оқимини тартибга соладиган замонавий техника билан таъминланаётгани бунинг ёрқин далилидир.

## ҲАМКОРЛИК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Икки Корея ўртасида бўлиб ўтган музокарада эришилган келишувлар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг маъқуллана бошлади. БМТ Тараққиёт дастурининг Пхеньяндаги ваколатхонаси вакили ушбу музокара икки қўшни мамлакат ўртасидаги муносабатларда бурилиш ясаганини айтди.

Сеул музокараси икки мамлакат ўртасида келгусида бўладиган мулоқотлар учун мустаҳкам замин яратди. Томонлар икки мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорлигини ривожлантириш борасида бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб туриш ниятини билдирди. Шунга биноан Шимол ва Жануб вазирлар даражасидаги навбатдаги саккизинчи учрашувини 19-22 октябрь кунлари ўтказишга келишиб олди.




# «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ПОЧТАСИДАН



## АҲВОЛИ НОЧОР КЎЧА

**Шаҳри азим Тошкентнинг шундайгина биқинида Бинокор қишлоғидан бошланувчи Шоликор кўчаси бор. Ўзи бир чақиримча. Лекин ўнқир-чўнқир, ёзда — чанг, қишда — лой-балчиқ. Одамлар сув кўлмакларини кечиб юришади.**

Бу йўлдан фақат овчилар бемалол ўтиши мумкин, чунки қўнжи баланд резина этикларгина бу лой-сувларга тоб бера олади. Бу томонларда яшовчи аҳоли, ҳатто лапар ҳам тўқиб юрибди:

*Бизнинг кўча Шоликор,*
*Аҳволи жуда ночор.*
*Ҳоким келсайди бирров,*
*Созлаб берарди дарров...*

Ноумид шайтон дейдилар. Ажабмаски, Бектемир туманининг ҳокими жаноб Шукрилла Ҳикматов бу томонларга ҳам ўтиб қолса. Ёрдам қўлини чўзса-ю, Шоликор кўчасига асфальт ётқизилса...

***Мавлон ИКРОМ,***
***меҳнат ва уруш фахрийси.***

## ЁМОН КЎРИНИБ ҚОЛДИМ

**Ҳурматли таҳририят! Газетангизнинг шу йил 22 май сонида «Орзиев нимадан норози?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. У менинг хатим асосида ёзилган эди.**

Мақола чиққач, баъзи муаммоларим ҳал этилди. Ўзим ҳам шикоят хати ёзишда йўл қўйган хатоларимни тушуниб етдим.

Афсуски, Зафар қўрғонидаги «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғафуржон Отабоев шундан сўнг менга таъна тоши отадиган бўлиб қолди. Гўёки Ғ.Отабоевни ёмонлаган эмишман. Хуллас, шу воқеа сабаб маҳалла қўмитаси раиси менга умуман эътибор бермай қўйди. Моддий ёрдам сўраб ёзган хатимни ижобий ҳал этмади. Ахир бу ёғи куз, кейин қиш фасли бошланади. Уйни эса таъмирлашим керак. Агар мутасадди идоралар ёрдам бермаса, ўзим бу ишни уддалай олмайман. Қизиқ, қачонгача туман ҳокимлигига ва бошқа тегишли идораларга қатнаб кунни бекорга ўтказавераман? Ушбу саволга раҳбарлардан аниқ жавоб кутаман.

***Бахтиёр ОРЗИЕВ,***
***Бекобод тумани, Зафар қўрғони, У. Носир кўчаси, 24-уй, 1-хонадонда яшовчи, 1-гуруҳ ногирони.***

## МЕҲР-ОҚИБАТ ЙЎҚОЛМАСИН

**Давлатимиз истиқлолга эришгач, бошқа соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимига ҳам эътибор йилдан-йилга кучаймоқда. Бу масалага айниқса, Қарияларни қадрлаш йилида янада катта аҳамият берилаётганини таъкидлаш жоиз.**

Узоқ йиллар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилдим. Оғир жисмоний иш бари бир ўз таъсирини кўрсатди. Ҳозир иккинчи гуруҳ ногирониман. Яқинда қон босимим кўтарилиб, Зангиота туман марказий касалхонасига қарашли шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимига тушиб қолдим. Шу ерда қўли енгил шифокорлар дардимни енгиллатди, ширин сўзлари билан кўнглимни кўтарди.

Меҳнат фахрийси, тажрибали кардиолог Маҳкам ака Исхонбековнинг беминнат хизматидан жуда миннатдорман. У аниқ ташхис қўйиб, тўғри муолажа белгилаши натижасида қисқа фурсатда шифо топдим. У киши уйга қайтганимдан сўнг нималарга эътибор беришим зарурлигини қайта-қайта тайинлади. Самимий маслаҳатларини аямади.

Истагим, дунёда шундай инсонлар бор бўлсин. Меҳр-оқибат, одамийлик мустаҳкамланаверсин. Кишилар эса ҳеч қачон бетобман, демасин.

***Маҳмуд РИХСИЕВ,***
***Зангиота тумани Ўртаовул қўрғони.***

# БОЛАЛАРНИНГ «МАФТУНКОР НИГОҲИ»

**Пойтахтдаги Замонавий санъат марказида халқаро болалар фотокўргазмаси очилди. "Мафтункор нигоҳ" деб номланган мазкур тадбир "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Японияниннг "Goro International Press" компанияси томонидан ташкил этилди. Айни кунларда ушбу компания делегацияси юртимизда меҳмон бўлиб турибди.**

Кўргазма япониялик машҳур фотожурналист Хикару Нагатаке ташаббуси билан ўтказилаётир. Ҳ.Нагатаке хоним нафақат Япония, балки Жануби-шарқий Осиё ва Европа минтақасида ҳам фаолият кўрсатади. У жаҳондаги қатор йирик фотокўргазмаларнинг доимий иштирокчиси.

"Мафтункор нигоҳ" фотокўргазмаси илк бор 2000 йили Шарқий Тиморда ўтказилган. Ўзбекистонда эса бундай тадбир илк бор 2001 йил май ойида ташкил этилган эди. Бу галги намойишда 104 нафар ўзбекистонлик бола суратга олган турфа лавҳалар мухлислар эътиборига ҳавола қилинган.

– Бу каби тадбирлар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги тобора кенгайиб бораётган ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, – деди "Goro International Press" компанияси президенти Горо Курамочи. – Ҳамкорлигимиз айниқса Ўзбекистон Президентининг яқинда мамлакатимизга буюрган расмий ташрифидан сўнг янги босқичга кўтарилди. Бугунги кўргазма мамлакатларимиз ўртасида ҳар томонлама, жумладан, маданий алоқалар ҳам муттасил ривожланиб бораётганига яққол мисол бўла олади.

***Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,***
***ЎзА мухбири.***


## Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиалида

**Ўтган ҳафтада ҳаммаси бўлиб 2та биржа савдоси ва 1та ким ошди савдоси бўлиб ўтди, жумладан, умумий қиймати 6994000 сўмни ташкил этди.**

**Ким ошди савдосида:**

— 1 та бошланғич баҳоси 2590730 сўм бўлган давлат объекти 16000000 сўмлик нодавлат автотранспорти сотилди.

**Биржа савдоларида:**

— 1 та 3700000 сўмлик давлат автотранспорти ва 4240000 сўмлик нодавлат автотранспорти сотилди.

— 1 та 6000000 сўмлик давлат кўчмас мулк объекти ва 1 та 40000000 сўмлик нодавлат кўчмас мулк объекти сотилди.

Шунингдек, 25 сентябрь ва 2,9, 16, 23, 30 октябрь кунлари соат 10.00да ўтказиладиган навбатдаги ким ошди савдоларига таклиф этади.

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

1. Чирчиқ шаҳар А.Навоий шоҳкўчасида жойлашган сатҳи 400 кв. м. бўлган ва фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш, уй-жой қуриш учун ажратилган 1 та ер майдони.

**Бошланғич баҳоси — 87812 сўм.**

